

ФАЛСАФИЙ КОМПАРАТИВИСТИКАДА ИЛМИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВ

Усмонова Л.Р. -
СамДТУ доценти, PhD

Фалсафий компаративистика турли маданиятларнинг фалсафий аънаналари, тизимлари ва тушунчаларини қиёсий таҳлил қилишга қаратилган ноёб тадқиқот соҳаси бўлиб, глобаллашув ва маданий алмашинув жараёнларида фалсафий ёндашувлардаги фарқлар ва ўхшашликларни ўрганишда долзарб бўлиб қолмоқда. Бу нафақат индивидуал фалсафий мактабларни, балки инсон тафаккурининг ривожланишидаги умумий тенденцияларни ҳам чуқурроқ тушунишга имкон беради.

Замонавий фалсафий компаративистиканинг мақсади пайдо бўлишидан бошлаб фалсафий тизимларни синтез қилиш ғоялари, сўнгра миллий фалсафий маданиятларнинг ўзини ўзи аниқлаш муаммолари, фикрлашнинг ўзига хослиги, европацентризм ғояларининг ҳукмронлигини енгиб ўтиш, фалсафада ғарбий бўлмаган аънаналарни кучайтириш, фалсафий фикр истиқболларини кенгайтириш билан боғлиқ эди. Қиёсий таҳлил билиш усули сифатида фалсафий аънаналар, мактаблар ва йўналишларда умумий ва махсус, универсал ва маҳаллий ўхшашликлар ва фарқларни аниқлаш усулларини ва муаммоларини ўрганади. [1; 18]

Қиёсий ёндашув – бу стратегия ва ҳар қандай стратегия уни амалга ошириш учун жуда аниқ тактикани талаб қилади. Бундай ҳолда тактика, бу махсус методологиядир. [2; 18] Фалсафий таққослаш методологияси фалсафий аънаналар ва тизимларни қиёсий ўрганишга қаратилган принциплар ва ёндашувлар тизимидир. У фалсафа мактаблари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни ўрганишга имкон берадиган турли усуллар, техникалар ва назарий асосларни ўз ичига олади.

Методология фалсафий компаративистикада муҳим аҳамиятга эга бўлиб, турли маданий, тарихий ва фалсафий аънаналарни таққослашда тизимли ёндашувни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида маданиятлар ўртасидаги умумий қонуният ва фарқларни аниқлаш орқали ўз таҳлилларини тузиш имконини беради. Тарихий таҳлил, матн-манба таҳлили ва контекстли тадқиқотлар каби турли хил усуллардан фойдаланган ҳолда, фалсафий компаративистика маданий ҳодисалар ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини чуқур тушунишга асос бўлади. Услубий воситалар нафақат маданиятлараро алоқада, балки ўз маданий аънаналарининг эволюциясини тушунишда қўлланилиб, бир маданиятдаги ўзгаришлар бошқаларга қандай таъсир қилишини ўрганиш имкониятини беради. Методология билимларни танқидий таҳлил қилиш ва синтез қилиш учун асос бўлиб, мураккаб маданий ўзаро таъсирларни тўлиқроқ тушунишга ёрдам беради.

Фалсафий компаративистика - тарихий ва фалсафий тадқиқот соҳаси бўлиб, унинг предмети Шарқ ва Ғарб фалсафий меросининг турли даражадаги иерархиясини, хусусан, тушунчалар, таълимотлар ва тизимларни таққослашдан иборатдир. Қиёсий фалсафий тадқиқотлар асрлар давомида ўрганилишига қарамай, фанга "қиёсий фалсафа" («comparative philosophy») атамаси 1899 йилда ҳинд маданиятшунос олими Бражендра Натҳ Сеал томонидан киритилган. Фалсафий қиёсий тадқиқотлардан олдин қиёсий табиатшунослик ва тилшунослик соҳасида ҳам тажрибалар ўтказилган.

Фалсафий қиёсий тадқиқотларнинг ривожланиши тарихий-фалсафий жараёнларни яхлит идрок этиш билан ҳам, жамият ҳаётини, шунингдек, ижтимоий тузилмалар, ижтимоий жараёнлар, ижтимоий тизимлар, ижтимоий муносабатларни тушуниш билан ҳам боғлиқ.

Аксарият олимлар ва файласуфлар аънаваний маданий маконни ягона бирлик асосида куриш вазифаси қуйидаги жиддий қийинчиликларга дуч келади деб ҳисоблайди: 1) маданиятлар тараққиётининг тенгсизлиги, уларнинг ривожланиши, алоқа имкониятларининг турли хиллиги 2) ижтимоий ва гуманитар фанларни ҳам ўз ичига олган маданиятлараро ўзаро таъсир шакллари тижоратлашувининг тобора ортиб бораётганлиги. [3]

Фалсафий ва ижтимоий-фалсафий қиёсий тадқиқотлар ғояларни одамлар ҳаёти, ижтимоий алоқалари ва муносабатларининг шарт-шароити сифатида таҳлил қилиш заруратидан келиб чиқади. Фалсафий компаративистика вазифасига нафақат фалсафий муаммоларни қўйиш ва ҳал этиш усулларидаги тафовутларни тадқиқ қилиш, балки энг аввало, вақтнинг ушбу давридаги маданият учун муҳим бўлган масалалар сабабларини тадқиқ қилиш ҳам киради.

Шарқнинг маданий қадриятлари маънан Ғарбникига ўхшаш бўлиб, улар табиатан абадий бўлмай, инсоннинг ҳақиқатни билиш қобилиятининг тубида илдиз отади. Шарқнинг ахлоқий қадриятлари тизими ва Ғарбнинг илмий қадриятлари тизими ўртасидаги муросасиз қарама-қаршилик ҳақидаги мавжуд ғоялар чекланган миқёсдаги тарихий фактларга асосланган умумлаштиришлар натижасида пайдо бўлди. [4.186]

Замонавий қиёсий фалсафанинг турли маданиятлар ва ижтимоий тузилмаларнинг тушунчалари ва универсалларини солиштиришда ўрни муҳим бўлиб, ҳозирги кунда замонавий фалсафа контекстида қиёсий тадқиқотларнинг тарихий ва фалсафий билимлардаги роли қайта баҳоланмоқда. Таққослаш усули ва унинг асосий мазмуни долзарб илмий муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжалланган. Янги парадигмаларнинг пайдо бўлиши узоқ муддатли ҳукмрон фалсафий анъана ва йўналишларга умумий фалсафий қараш ва ретроспектив баҳолашни ўзгартирди. Қиёсий фалсафа ва ижтимоий-фалсафий қиёсий тадқиқотларнинг назарий, назарий-услубий ва амалий таркибий қисмларини уйғунлаштириш зарурлиги аниқланмоқда.

Қиёсий тадқиқотлар шунчаки таққослаш эмас. Улар жамиятлар, маданият ва цивилизациялар ўртасидаги таққослашлардир. "Биз" ва "улар" томонидан белгиланган чегаралар бўйлаб қиёсий тадқиқотлар дунёси муқаррар равишда ўзи бўлмаган нарса нуқтаи назаридан бошқа ҳақиқат нима эканлигини кўриб чиқишга уринишдир. Қиёсий тадқиқотлар пойдеворида ётган қарама-қаршилик барча билимларнинг универсализмига мурожаат қилиш ва бошқа барча жамиятлар ва маданиятлар нуқтаи назаридан баҳоланадиган имтиёзли билимларни аниқлаш орқали ёритишга интилади. [5;59]

Фалсафанинг Шарқ-Ғарб дихотомиясида ривожланишини кўриб чиқиш ва ўрганиш баъзи цивилизацияларнинг бошқа цивилизацияларга очик ёки яширин таъсирини излаш истагини келтириб чиқаради. Шу билан бирга, маълум бир цивилизация қадриятларининг ўзини ўзи таъминлаш ғояси асосий тушунчалар ва услубий кўрсатмаларга ўрнатилади.

Фалсафий тизимларнинг баъзи жиҳатларини қиёсий таҳлил қилишда бутун маданият учун умумий бўлган дунёқараш хусусиятларни ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Масалан, Шарқий (қадимги ҳинд ёки қадимги Хитой) тизимларини қиёсий таҳлил қилишда, Шарқий дунёга мувофиқ, объектив воқелик иккита ҳолатга эга эканлигини ҳисобга олиш керак. Шарқ дунёқараши намоён бўлган энергия дунёсига, Ғарб дунёқараши эса моддий ёки жисмоний нарсаларга устувор аҳамият беради.

Фалсафий диалог – фалсафий муаммоларни шакллантириш ва ҳал қилиш бўйича йўналишлар, мактаблар ва тушунчаларнинг ўзаро таъсирининг ўзига хос шакли бўлиб, глобаллашаётган инсоният ҳаётининг янги стратегияларини ишлаб чиқиш, фалсафий муаммоларини тушуниш орқали замонавий техноген цивилизация томонидан вужудга келган глобал инқирозлардан чиқиш учун зарурдир.

Биз янги ва нотаниш нарсаларни аллақачон маълум бўлган нарсалар билан таққослаш орқали тушунамиз ёки талқин қиламиз. Дастлаб биз иккита фалсафий назария (тизимлар, тушунчалар ёки урф-одатлар) ўртасидаги ўхшашликни билганимиздан сўнг, табиий равишда муҳим фарқларни, яъни мантик, исботлаш усули, қадриятларга нисбатан ўхшашлик ва фарқлар, тахминлар ва мақсадларни аниқлашга ўтамиз. Иккала ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш орқали биз иккита (ёки ундан кўп) нарсани (назарияларни) яхшироқ тушунишимиз мумкин. [6; 260]

Қиёсий фалсафий таҳлил иккита фундаментал ёндашувни ўз ичига олади — аналитик ва синтетик, бу бир томондан ушбу концепцияни етарли даражада кўриб чиқишни, қуриш мотивлари ва асосий мақсадларини аниқлашни ўз ичига олади; бошқа томондан, ушбу

концепциянинг тарихий ривожланишида ҳам, анъаналар ўртасидаги тўқнашув ва қарама — қаршиликда ҳам усул ва ғояларни таққослаш. Бундан ташқари, аналитик ёндашув концепцияни, ғояни аввалги тизимларни таҳлил ва талқин қилиш натижасида, фалсафий ва маданий анъаналарнинг маълум бир диалогининг мазмуни сифатида кўриб чиқишни ўз ичига олади. Ўрганилаётган концепциянинг ҳақиқий мазмуни унинг кейинги талқинлари учун тўлиқ эмаслиги ва очиқлигини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш мумкин [7;10].

Фалсафий қиёсий тадқиқотларда сифат жиҳатидан янги босқичнинг бошланиши XX-асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Бу даврдан бошлаб фалсафий компаративистика ўз вазифалари ва усуллари янгитдан англаб, ўз-ўзини акс эттиради. Француз файласуфи Пол Массон-Урселнинг “Қиёсий фалсафа” (1923) асарида фалсафий қиёсий тадқиқотлар қиёсий маданиятшуносликнинг умумий контекстига киритилган: ҳинд, хитой ва Европа фалсафаси умумий цивилизация жараёнлари билан боғланган. П.Массон Урсел ҳинд буддизмига, шунингдек, конфуцийчиликка, Ғарб ва Шарқ фалсафасида рационаллик ва тасаввуф ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муаммосига алоҳида эътибор берган.

Фанда қиёсий ёндашув замонавий тарихий ва фалсафий жараённи кўриб чиқиш учун янги йўналишларни белгилайди. Фалсафий фикрнинг минтақавий ва миллий “тикланиши” шароитида қиёсий методология янги тарихий ва фалсафий парадигмаларга олиб келади, дунё фалсафий синтези ғоясини бошқача тарзда тақдим этади. Маърифат фалсафаси барча ўзгарувчанлиги ва ноаниқлиги билан инсон тажрибасининг умумий ядроси мавжудлигини эълон қилди. XX-асрда фалсафий переннис (абдий фалсафа, яъни ҳар қандай фалсафанинг мустаҳкам асоси) парадигмасини излаш, Олдос Хаксли ва Фритъоф Шуон ёзганидек, фалсафий тизимларнинг якуний бирлиги постулатининг эвристик аҳамиятини очиб бериш билан боғлиқ эди. [8] Олдос Леонард Хаксли фалсафий тасаввуфга ва универсализмга бўлган қизиқиши бу мавзуларга бағишланган, Ғарб ва Шарқ тасаввуфлари ўртасидаги муштаракликни кўрсатадиган “Кўп йиллик фалсафа” (1945) ва “Идрок эшиклари” (1954) асарларида ўз аксини топган. Ўзининг энг машҳур “Ажиб янги дунё” романида (1932) ва “Орол” да (1962) файласуф дистопия ва утопия ҳақидаги тасаввурларини баён этган.

Фалсафий компаративистика, шунингдек, турли маданиятлар чорраҳасида юзага келадиган ахлоқий масалаларни баҳолаш учун имкониятлар очади. Масалан, конфуцийлик ва юнон фалсафасида “фазилат” тушунчасини фалсафий таҳлил қилиш орқали, ахлоқ ва масъулият ҳақидаги замонавий мунозараларга таъсир қилувчи умумий тамойилларни ҳам, ўзига хос жиҳатларни ҳам очиб бериш мумкин. Ушбу ёндашув ахлоқий тизимлар қандай қилиб биргаликда яшаши ва ўзаро таъсир қилиши, умумий муаммоларни ҳал қилишда турли хил ёндашувларни яратиши мумкинлигини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Фалсафий компаративистика маданиятлар ўртасидаги мулоқотга интилиши натижасида, нафақат маданиятлараро тушунишга, балки XXI асрда инсоният олдида турган умумбашарий муаммоларга ижодий ёндашувга ёрдам беради.[4;185-200]

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фалсафий қиёсий тадқиқотлар ўзаро боғлиқликни таъкидлайди ва маданиятларнинг ўсиш нукталарини мослаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Қиёсий тадқиқотлар умумлашмалардан аниқликларга ўтади ва муайян муаммолар, тушунчалар ва турли маданиятларни ўрганади. Фалсафий компаративистика замонавий тарихий ва фалсафий жараённи кўриб чиқиш учун янги йўналишларни белгилаб, маданиятнинг турли моделлари, ноклассик ва ўзига хос тафаккур шакллариининг кадр-қимматини тан оладиган методологияга ўтмоқда.

Фалсафий компаративистика турли минтақаларда, мамлакатларда ва цивилизацияларда фикрнинг ривожланиши ва моҳиятини тушунишга интилиб, қиёсий тадқиқотлар методологиясини ишлаб чиқади. У қиёсий тилшунослик, адабиётшунослик, социология, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, диншунослик ва маданиятшуносликнинг энг яхши ёндашувларини бирлаштиришга ҳаракат қилади.

Глобаллашув жараёнида фалсафий компаративистика долзарб аҳамиятга эга бўлиб, унинг илмий нуқтаи назардан ўрганилиши турли маданиятларнинг дунёқарашини чуқурроқ тушунишга имкон беради. Шарқ ва Ғарб фалсафасининг ўзаро таъсири, мавжудлик, онг ва

ахлокий меъёрлар каби универсал масалаларини тушунишни кучайтиради. Бу ҳар бир маданият бир-бирини бойитишини, танқидий акс этириш ва маданиятлараро алмашинув учун янги диалогни барпо этади. Синтезга интилиш ҳар бир анъананинг маданий фарқлари ва шу ўринда ўзига хос жиҳатларига эътибор бериш билан бирга бўлиши керак. Ушбу фарқларни инкор этиш ақлий парадигмаларнинг бирлашиши ва қимматли хилма-хиллигини йўқотишига олиб келиши мумкин, яъни замонавий фалсафий таққослашнинг асосий вазифаси нафақат ғояларни таққослаш, балки улар ўртасидаги ўзаро таъсирларни аниқлашдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Береговая Оксана Александровна *Философская компаративистика и компаративная философия образования* // Манускрипт. 2016. №9 (71).
2. Хамидов А.А. *Философская компаративистика: назначение и границы возможностей* // Адам элэмі. – 2022. – № 2 (92).
3. Колесников Анатолий Сергеевич *Философская компаративистика в поле глобальных перемен* // Вестник РУДН. Серия: Философия. 2006. №1.
4. Колесников А.С. Философская компаративистика и диалог культур // Россия и Грузия: диалог и родство культур. / Материалы международного симпозиума (Тбилиси, 3–6 сентября 2003 г.) Санкт-Петербург : Санкт-Петербургское философское общество, 2003.
5. Krishna D. *Comparative Philosophy: What it Is and What it Ought to Be.* *Diogenes.* 1986;34(136)
6. Fleming, Jesse (2003). *Comparative philosophy: Its aims and methods.* *Journal of Chinese Philosophy* 30 (2).
7. А.С.Колесников. *философская компаративистика. Восток и Запад* 2004.
8. *Huxley A. Perennial Philosophy.* L., 1945; *Shuon F. De l' unite transcendante des religions.* P., 1948.

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада фалсафий таққослашда ишлатиладиган асосий усул ва услублар, шунингдек уларни турли маданий контекстларга қўлланилиши кўриб чиқилади. Алоҳида эътибор фалсафий тушунчаларни талқин қилиш ва баҳолаш масалаларига, шунингдек қиёсий таҳлилда юзага келадиган муаммоларга қаратилади.

Калит сўзлар: компаративистика, қиёсий фалсафа, методология, фалсафий анъаналар, маданий контекстлар, қиёсий таҳлил, ўзаро таъсир, диалог.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассматриваются основные методы и техники, используемые в философской компаративистике, а также их применение к различным культурным контекстам. Особое внимание уделяется вопросам интерпретации и оценки философских концептов, а также проблемам, возникающим при сравнительном анализе.

Ключевые слова: компаративистика, сравнительная философия, методология, философские традиции, культурные контексты, сравнительный анализ, взаимовлияние, диалог.

RESUME:

This article examines the main methods and techniques used in philosophical comparative studies, as well as their application to various cultural contexts. Special attention is paid to the issues of interpretation and evaluation of philosophical concepts, as well as problems arising in comparative analysis.

Keywords: comparative studies, comparative philosophy, methodology, philosophical traditions, cultural contexts, comparative analysis, mutual influence, dialogue.